



АБУЛ ЮСР ПАЗДАВИЙГА ЗАМОНДОШ ОЛИМЛАРНИНГ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Малака ошириш маркази ўқитувчиси

+998912241876

shokirshovkatogli1976@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7865919>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2023

Accepted: 25th April 2023

Online: 26th April 2023

KEY WORDS

Калом илми, Китоб ал-эътиқод, Фахрулислом Паздавий, Саид ибн Муҳаммад Найсабурий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Абул Муин Насафий, Иброҳим Саффор Бухорий, Абу Шакур Кеший, Лубаб ал-калом, Ломиший.

ABSTRACT

Ушбу мақолада калом ва ақоид илмларининг ривожланишида муҳим ҳисса қўшган мутакаллим олим Абу Юср Паздавийга замондош олимларнинг Мотуридия калом мактаби ривожигаги ўрни, унинг Мовароуннаҳрда ақоид ва унга оид илмлар ривожигаги ўрни ҳақидаги маълумотлар тадқиқотлар асослар асосида ёритиб берилган.

X-XII асрлар Мовароуннаҳр диёрида рўй берган диний-сиёсий ўзгаришлар даврида Абул Юср Паздавий билан бир замонда яшаган ва мотуридийлик таълимоти ривожига ҳисса қўшган уламоларнинг ёзган асарларини хронологик тарзда кўйидагича келтириш мумкин.

1. Муҳаммад ибн Фазл Балхий Ҳанафий (ваф. 419/1028) Ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд ибн Сабуктегин учун “Китоб ал-эътиқод” (Эътиқод китоби) номли асар ёзган. Мазкур асар “ал-Хисол фи ақоиди аҳли ас-сунна ва-л-жамоа” (Аҳли сунна вал-жамоа ақоидининг хусусиятлари) номи билан машҳур бўлган¹. Ибн Шихнаннинг (749-815/1348-1412) фикрича, мазкур асар муаллифи Абу Шужоъ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Ҳусайн Саййид Алавийдир².

2. Имодулислом Абулаъло Саид ибн Муҳаммад Найсабурий Истивой (ваф. 432/1040) ҳам “Китоб ал-эътиқод” номли асар ёзган. Мазкур асар Саййид Бахчиван томонидан 2005 йил Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриётида нашр этилган.

3. Фахрулислом Паздавий Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарига шарҳ ёзган³. Паздавийнинг ушбу ёзган шарҳи олтимиш етти варақдан иборат⁴. Фахрулислом

1 Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақоти-л-ҳанафия // Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв таҳрири остида. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Ж. II. – Б. 231 (Бундан кейин: Қураший. Жавоҳир.). Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Б. 124.

2 Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Ж. II. – Б. 97.

3 Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: – Weimar-Berlin, 1898. – Ж. VI. – S. 662.



Паздавий ўша даврдаги ашъария таълимотининг йирик намояндаларидан бири Абул Маолий Имомулҳарамайн (419-478/1028-1085) билан мунозара қилиб, унинг устидан ғолиб бўлади. Имомулҳарамайн мунозара мажлиси тугаганида: “Абу Ҳанифанинг асҳобларига маънолар енгил ва осон қилинган”, деб Фахрулисламининг юксак илм салоҳият эгаси эканини эътироф этади. Алломанинг жадал илмида ўзига хос йўли бўлган. Шунинг учун ҳам Ибн Халдун жадал илми ҳақида қуйидаги сўзларни айтган: “Жадал (мунозара) илмида иккита йўл мавжуд, бири Паздавийнинг йўлидир”.

4. Абул Юср Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан Мотуридийлик таълимотининг машҳур намояндаларидан бири Абул Муин Насафийдир (438-508/1046-1115). Алломанинг шоҳ асари, шубҳасиз, бу “Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқат ал-Имом ал-Мотуридий” (Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин асосларини аниқ далиллар билан шарҳлаш)дир. Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асаридан кейин мотуридийлик таълимотида энг муҳим манба сифатида эътироф этилган.

Абул Муин Насафийнинг замондоши ва шогирди Нуриддин Собуний (ваф. 580/1184) ашъария таълимотининг машҳур намояндаси Фахриддин Розий (543-606/1148-1209) билан қилган мунозарасида шундай дейди: “Насафийнинг “Табсирот ал-адилла” асарини ўқиб чиққанимда тадқиқ ва таҳқиқда унга тенг келадиган бирор асар йўқлигига ишончим комил бўлди”⁵. Европалик тадқиқотчи У.Рудольф ҳам “Табсирот ал-адилла ” асаридан манба сифатида ўз тадқиқотида самарали фойдаланган ҳамда ушбу нодир асарнинг аҳамиятига юксак баҳо берган⁶.

Шу эътибордан Имом Мотуридий ва унинг қарашлари ҳақида баҳс юритилган энг катта ва мазмундор асар “Табсирот ал-адилла ”дир. Абул Муин Насафий ушбу асарида 78 ўринда Имом Мотуридийга тегишли сўзларни зикр қилган. Муаллиф “Табсирот ал-адилла ” асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фикҳист сифатида икки асари: “ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” (Тавҳид қоидаларига муқаддима) ва “Баҳр ал-калом” (Калом уммони) асарларини ёзган. Насафийнинг “Тамҳид” асари ҳажм жиҳатдан “Табсира”дан кейин иккинчи ўринда туради⁷.

Насафийга тегишли “Тамҳид” асари “Табсирот ал-адилла ”нинг кириш қисми ёки фикҳисти шаклидаги асар ҳисобланади. Чунки боб ва фаслларнинг тартиби солиштирилса, улар орасидаги узвий ўхшашлик сезилади. Фақат “Табсира”да улар мукамалроқ ифода этилган.

Сигноқий Насафийнинг “Тамҳид” асарига “Китоб ат-тасдид фи шарҳ ат-тамҳид ли Аби ал-Муин ан-Насафий” (Тўғри йўлга бошловчи китоб – Абул Муин Насафийнинг Тамҳид асарининг шарҳи) номли шарҳини 706/1306-07 йил ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Рағиб Пошо (Rağip Paşa) кутубхонасида 774 инв. рақами билан ва Баёзид (Beyazıt) кутубхонасида 3078 инв. рақами билан ҳамда

4 Имом Фахрулислам Али Паздавий. Шарҳул-жомеъ ас-сағир мин аввали-з-закот ила ниҳояти-л-ҳаж // Май Муҳаммад Соҳиҳ Ноқиру. Баҳсун муқаддамун ли найли даражати-л-мажистир фи-л-фиқҳ. – Макка: Умму-л-қуро, 2010. – Б. 105.

⁵ Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур Мотуридий. Китоб ат-тавҳид /Фатҳуллоҳ Хулайф нашри. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – Б. 5 (Бундан кейин: Мотуридий. Китоб ат-тавҳид.).

⁶ Рудольф Ульрих. Ал-Мотуридий. – Б. 194.

⁷ Оқилов С. Абул-л-Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти / Монография. – Тошкент:Мухаррир, 2008. – Б. 63-66.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида ҳам бир нусхаси сақланмоқда. Туркиялик олим Ҳ.Отай “Табсирот ал-адилла ” нашрининг кириш қисмида “Табсира” билан бир қаторда “Тамҳид”ни ҳам ривоят қилган олимлар шажарасини келтириб ўтган⁸.

Насафийнинг “Баҳр ал-калом” (Калом уммони) асари калом илмига оид мухтасар асарлар жумласига кириб, асарда турли фирқаларга раддиялар асосий жиҳатни эгаллаган. Хусусан, мўътазилийларга раддия берилган. “Баҳр ал-калом ” асари фасл (бўлим)лар шаклида тузилган бўлиб, кириш қисмида тавҳид ва имон тушунчалари каби бир қатор мавзуларда баён қилинган. Бошқа фаслларда калом илмига оид турли мавзулар ҳақида баҳс юритилган. “Табсира” билан “Тамҳид”нинг услуби бир хил.

5. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ибн Абу Наср Саффор Бухорий (ваф. 534/1139) калом илмига оид “Талхис ал-адилла фи усул ад-дин” (Дин асослари ҳақида далилларнинг қисқача баёни)⁹, “Ажвибат ал-имом ас-Саффор ал-Бухорий” (Имом ас-Саффор ал-Бухорийнинг жавоблари)¹⁰ ва “Аъсила фил-эътиқод” (Эътиқод ҳақида саволлар)¹¹ номли асарлар ёзган¹². Иброҳим Саффор маълум вақт давомида сургунда бўлиб, Марвда яшаган. Сўнг Қорахонийлар пойтахти Самарқандга кўчиб ўтган ва у жойда шаҳар хатиби вазифасига тайинланган¹³. Сургундан сўнг Иброҳим Саффор Бухорога қайтгач, ўн йиллик илмий фаолияти давомида калом илмига мурожаат қилади ҳамда “Китоб ат-талхис ли қавоид ат-тавҳид” (Тавҳид қоидаларининг қисқача баёни) ва “Рисола фил-масоил суила аш-шайх анҳа ва ажаба анҳа” (Шайхдан сўралган саволлар ва уларнинг жавоблари ҳақида рисола) номли китоблар ёзади. Ушбу асарларида у Имом Мотуридийнинг эътиқодий қарашларини шарҳлайди. Унинг фикрича, агар олим ҳақиқатда илм эгаси бўлса, у адолатли бўлиши керак ва шунда унга Аллоҳдан куч-қудрат ато этилади.

6. Абул Юср Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан яна бири Мотуридийлик таълимотининг машҳур намояндаларидан – Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафийдир¹⁴. Алломанинг ақоид фанига оид машҳур асари “ал-Ақоид ан-Насафия” ҳисобланиб, ҳозирги даврда ҳам бу асар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ғарб ва шарқ мадрасаларида у дарслик сифатида ўқитиб келинмоқда. Мазкур асар 58та эътиқодий масаладан ташкил топган. Биринчи масалада нарсалар ҳақиқатларининг

⁸ Насафий. Табсира. – Ж. I. – Б. 77.

⁹ Хожи Халифа ушбу асар номини “Талхис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид” деб зикр қилган.

¹⁰ Асарнинг қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” кутубхонасида № 90 мажмуада сақланади. Унинг фотонусхаси № 48652 остида сақланади, варақлари 67^а-70^а бетларни ташкил қилади (Қаранг: Sönmez Kutlu. Ali b. Osman el-oşi'nin oş'un orta çağ'daki kültürel ve dini düşüncе sisteminin teşekkülündeki rolü).

¹¹ Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-мисрия” кутубхонасида № 169 мажмуада сақланади. Унинг фотонусхаси № 5160 рақам остида сақланади, варақлари 183^б-187^б бетларни ташкил қилади (Қаранг: Sönmez Kutlu. Ali b. Osman el-oşi'nin oş'un orta çağ'daki kültürel ve dini düşüncе sisteminin teşekkülündeki rolü.).

¹² Sönmez Kutlu. Timur dönemi ve sonrasi kelamî edebiyatın Türkistan sahasi kaynakları. // Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi. – S. 1.

¹³ Абу Ҳафс ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Таҳқиқ: Назар Муҳаммад ал-Фарёбий. - Риёз: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – Б. 61, 477.

¹⁴ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. VI. – Ташкент: Издательство Академии Наук УзССР, 1963. – Т. VI. – С. 465.



собитлиги ва халқ учун илм сабаблари учта: соғлом ҳис сезгилар, рост хабар ва ақлдан иборат эканини баён қилинган.

Насафий аслида бу асарини илк марта форс тилида ёзган ва уни “Баёни эътиқоди аҳли сунна вал-жамоа” (Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодининг баёни) деб номлаган. Асарнинг форсча нусхасини насафийнинг шогирди Имом Бурҳониддин Марғилоний (517-593/1123-1197) томонидан нақл қилинган. Ушбу асар муқаддимасида Бурҳониддин Марғилоний қуйидагиларни ёзади: “536/1141 йил Султон Санжар Салжуқий билан Сийстон вилояти ҳокими Амир Абулфазл Самарқандга келди. Султон Санжар Самарқанднинг уламолари, қози ва шайхлари билан бўлган мажлисда Сийстон вилояти ҳокими Амир Абулфазл, мажлисда ўтирган улуғ имом ҳамда уламолардан аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди бўйича бир рисола ёзиб беришни илтимос қилди. Рисола ёзилганда барча Самарқанд уламолари ушбу рисолага розилигини билдириб, имзо қўйишларини ҳам хоҳлади. Сўнг Сийстон ҳокими Амир Абулфазл ушбу рисолани ўз юртига олиб боришни, кимки бу рисолада ёзилган ақидага зид гапирса, жазога тортишни айтди. Мажлисда иштирок этган Самарқанднинг барча имом ва уламолари бунга розилик билдиришди ҳамда барча бир овоздан бу рисолани Имом Абу Ҳафс Насафий ёзишига ишора қилиб, тайёр бўлса, тасдиқлаб имзо чекишларини таъкидлайдилар”¹⁵.

Ушбу муқаддимани изоҳлар экан, эронлик тадқиқотчи Муҳаммад Умар Жўё ўша даврдаги Султон Санжар ҳукмронлиги пайтида Эрон ҳудудларида ҳанбалий ҳамда карромийларнинг таъсири ва тарафдорларининг кўпайгани сабабидан Сийстон ҳокими айни шу илтимос билан Самарқанд вилоятидаги улуғ уламолардан эътиқодга доир ишончли бир манба ёзиб беришларини хоҳлаганини таъкидлайди.

Имом Бурҳониддин Марғилоний томонидан нақл қилинган Абу Ҳафс Насафийга тегишли ушбу “Баёни эътиқоди аҳли суннат вал-жамоат” асарининг форсча қўлёзма нусхаси Техрондаги (کتابخانه مجلس شورا اسلامی ایران) (Эрон ислом шўроси кенгаши кутубхонаси) номли кутубхонада 11-13613 инвентар рақам остида сақланади.

Ушбу қўлёзмада Бурҳониддин Марғилоний рисола охирида имзо чеккан Самарқанд уламоларидан 11 нафарининг исм-шарифларини келтиради. Жумладан, Шайхулислам Жалолиддин Али ибн Исмоил Сабжоний, Қозикалон Имомиддин Али ибн Абдулваҳҳоб, Деҳқони Имоми Зоҳид Шамсиддин Муҳаммад ибн Наср ибн Мансур Маданий, Қозикалон Алоуддин Умар ибн Усмон Ифринкадий (Африкандий), қози Садриддин Муҳаммад Навқадий, Шайхулислам Зайниддин ибн Аҳмад ибн Фараж ибн Абдулазиз ибн Абул Ҳайсам Соғуржий ва Шайхулислам Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Асмандий Самарқандийни ҳам зикр қилган.

Имом Марғинонийнинг айтишича, ушбу рисоланинг форсча нусхасини муаллифи Абу Ҳафс Насафийга кўрсатиб, ўқитган, Насафий унинг баъзи жойларини тўғирлаб ҳам берган¹⁶. Эронда сақланаётган ушбу нусха 795/1393 йилда бухоролик Хожа Порсонинг (749-831/1348-1420) ўз қўли билан кўчирилган нусха саналади. Бу нусха мажмуа

15 Умар Жўё Муҳаммад. Нусхаи форсийи “Ақоиди Насафий” ё баёни эътиқоди аҳли суннат ва жамоат дар муқояса ва муқобала бо нусхаи арабийи “Ал-Ақоид ан-Насафия”. – Техрон: Баййинот, 2021. – Б. 6.

16 Қаранг: Умар Жўё Муҳаммад. Нусхаи форсийи “Ақоиди Насафий” ё баёни эътиқоди аҳли суннат ва жамоат дар муқояса ва муқобала бо нусхаи арабийи “Ал-Ақоид ан-Насафия”. – Техрон: Баййинот, 2021. – Б. 6.



шаклида бўлиб, ичида 4 та рисола жамлаган. Шу мажмуадан иккинчи ўринни эгаллаган асар айни шу “Ақоиди Насафий” рисоласидир. Мажмуадаги тўртинчи бўлиб, Имом Мотуридийнинг шогирди Ҳаким Абулқосим Исҳоқ Самарқандий Ҳанафийга тегишли рисола жойлашган¹⁷.

7. Абуссаной Маҳмуд ибн Зайд Ҳанафий Ломиший Мотуридий (ваф. 539/1144 йилдан кейин) “Китоб ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” номли асар ёзган. Ломиший ҳам Абу Шужоъ Алавийдан таълим олиб, фақиҳлик даражасига етишган¹⁸. Фарғонанинг ўша даврдаги Ломиш қишлоғига нисбатан Ломиший дейилган¹⁹. Мазкур асар ношири Абдулмажид Туркий нашрнинг кириш қисмида Ломиший ҳақида муҳим маълумотлар беради ва у Абул Муин Насафийнинг шогирди бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради²⁰. Ноширнинг тахмини асосли эканини текшириш мақсадида Ломишийнинг мазкур китоби кўздан кечирилганда, Ломиший ушбу асарида Абул Муин Насафийга уч мартаба мурожаат қилиб, уни марҳум сифатида зикр этганига гувоҳ бўлинди. Бундан Ломишийнинг ушбу китоби Насафий вафотидан кейин ёзилгани маълум бўлади.

8. Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Усмандий (ваф. 552/1137) “Лубаб ал-калом” (Калом жавҳари) номли асар ёзган. Ушбу асар турк тадқиқотчиси Саид Ўзерварли томонидан 2005 йил Анқарада нашр этилган.

9. Абул Қосим Самарқандий Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Али ибн Алавий Ҳасаний Маданий (ваф. 556/1161) калом илмига оид “Китоб ал-мисдоқ” (Исбот-ўлчов китоби) номли асар ёзган.

10. XII асрда фаолият кўрсатган мотуридийлик таълимоти вакилларида бири Сирожуддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Таймий Ўший Фарғонийдир (ваф. 569/1173-74)²¹. Аллома мотуридийлик таълимотининг асосий қарашларини қисқача олтмиш саккиз байтдан иборат назмий асарда жамлаган. Муаллиф ушбу назмий асаридаги ҳар бир байт араб тилидаги “лом” ҳарфи билан тугагани сабабли “ал-Қасидату ал-ломия фит-тавҳид” (Тавҳид ҳақида ломлик қасида) деб номлаган²². Мазкур асар омма халқ ўртасида “Бадъ ал-амолий” номи билан шуҳрат топган ва илк бор 1302/1884-85 йил Истанбулда нашр этилган. Ўшийнинг мазкур асари ёдлашга қулай бўлганидан ҳозиргача турли мусулмон ўлкалари, хусусан, Ўзбекистонда диний таълим муассаларида ақоид фанидан дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

11. Мотуридийлик таълимотининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Нуриддин Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний Бухорийдир. Бухородаги етти қози мақбарасига дафн

17 Ушбу дафтардаги рисолаларни айнан Хожа Порсо томонидан кўчириб ёзганининг ишораси дафтар охиридаги тўртинчи рисола тугашида қайд қилинган.

18 Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб // Абдурраҳмон ибн Муъаллимий. – Ҳайдаробод: Доират ал-маъориф ал-Усмония. 1382/1962. – Ж. XIII. – Б. 236 (Бундан кейин: Самъоний. Ансоб.).

19 Ломишийнинг ушбу асари Париж илмий текшириш тадқиқот марказининг мудирини Абдулмажид ат-Туркий томонидан тадқиқ этилиб, 1995 йил Байрутда нашр этилган.

20 Ломиший Абу ас-Сано Маҳмуд ибн Зайд Ҳанафий. Китоб ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид / Абдулмажид ат-Туркий нашри. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 1995. – Б. 13.

21 Аллома ўша вақтда Фарғона водийсининг йирик маданият марказларидан бири Ўш шаҳрида таваллуд топган.

22 Нуриддин Али ибн Султон Қорий. Завъ ал-маолий шарҳу бадъ ал-амолий. – Истанбул: Дор ас-саодат, 2001. – Б. 3-5.



қилинган. Аллома Иброҳим Саффор билан Бухорода мотуридийлик калом мактабининг ёйилишида жонбозлик кўрсатганлардан бирidir. Аллома Абул Муин Насафийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганган. Нуруддин Собуний Бухорода ашъария мактаби вакили Фахруддин Розий билан ҳам учрашган. Фахруддин Розий Мавороуннаҳрга қилган сафарида таквин (яратиш сифати), Аллоҳнинг боқийлиги, тоқатдан ташқари ишга таклиф қилиш ва Аллоҳнинг каломи таърифи каби мавзуларда мотуридийлик таълимоти вакиллари билан мунозаралар қилган. Кейинчалик мазкур мунозара ҳақида “ал-Мунозарот” (Мунозаралар) номли асар ҳам ёзган. Бу китоб 1375/1955-56 йилда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида нашр этилган²³.

Аллома дастлаб “ал-Бидоя фи усул ад-дин” (Дин асослари ҳақида бошланғич китоб) номли ўқув қўлланма ёзган. Нуруддин Собунийнинг яна “Китоб ал-бидоя мин ал-Кифоя фил-ҳидоя фи усул ад-дин” номли асари ҳам мавжуд. Алломанинг “ал-Кифоя фи-л-ҳидоя” номли асари мавжуд бўлиб, у “Ақида ас-Собуний” (Собуний ақидаси) деб ҳам номланади. Шунингдек, унинг “ал-Мунтақо мин исмати ал-анбий” (Пайғамбарларнинг маъсумлиги тўғрисида танланган масалалар) номли асари Туркиядаги “Лалили” (Laleli) кутубхонасида 2426 инв. рақами билан сақланади²⁴.

Олим “ал-Муғний фи усули-д-дин” (Дин асослари ҳақида маълумотларга бой асар), “Китобу-с-Собуний фи усули-д-дин” (Дин асослари ҳақида Собуний китоби), “Мухтасар ал-кифоя” (Кифоянинг мухтасари), “ал-Кифоя фил-усул” (Дин асослари ҳақида кифоя қилувчи китоб), “ал-Ҳидоя фи усул ад-дин” (Дин асослари ҳақида тўғри йўлга бошловчи китоб) ва “ал-Кифоя шарҳу ал-Бидоя фи усули-д-дин” (Дин асослари борасидаги “Бидоя” асарининг шарҳи кифоя) номли асарлар ёзган²⁵.

12. Абу Ҳафс Жамолуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ғазнавий (ваф. 593/1097) “Равзату-л-мутакаллимин” (Мутакаллимлар боғи) ва унга мухтасар қилиб, “ал-Мунтақо мин равзати-л-мутакаллимин” (Мутакаллимлар боғидан танланган масалалар) номли асарлар ёзган.

13. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Самарқандийнинг (ваф. 587/1191) “Усул ат-тавҳид” (Ал-Муътамад фил-муътақод) ва “Шарҳу таҳзиб ал-калом” ва “Шарҳу китоб ат-таъвилот” номли ақида ва каломга оид асарлари мавжуд. Алоуддин Самарқандий “Шарҳу таъвилот ал-Қуръон” асарининг кириш қисмида Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” китоби тавҳид асослари, усул ал-фиқҳ ва фуруъ ал-фиқҳ мавзуларида Абу Ҳанифа ва асҳобларининг мазҳаби Қуръон билан уйғун экани баён қилинган муҳим асарлигини таъкидлаган.

Самарқандда олиб борган фаолиятларининг муҳим йўналиши Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид”, “Таъвилоту-л-Қуръон” асарларида баён этилган таълимотини янада ривожлантириш ҳамда ёйиш, умуман мотуридийлик таълимотини алоҳида мактаб сифатида шакллантириш эди. X асрда яшаган мутакаллимлар Абул Қосим Ҳаким

23 Доктор Балқосим ибн Ҳасан ал-Ғолий. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаётуҳу ва ароуҳу ал-ақдийя. – Тунис: Дору-т-туркий, 1989. – Б. 21.

24 Муминов. Диссертация. – С. 61.

25 Sönmez Kutlu. Timur dönemi ve sonrasi kelamî edebiyatin Türkistan sahasi kaynakları. Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi. – S. 2.



Самарқандий, Абу Мутеъ Макхул Насафий, Абул Ҳасан Рустуфағний, Абу Салама Самарқандий ва бошқаларга ҳам шундай иззат-икром кўрсатилди. Чокардиза қабристони эса уламолар дафн қилинадиган муқаддас маконга айланди.

References: